

ДЎСТЛИК, САНЪАТ ВА НАФОСАТ ФЕСТИВАЛИ

Мамлакатимизда Корея Республикаси фестивали бошланди.

Пойтахтимиздаги "Зарқайнар" мажмуасида бўлиб ўтган анъанавий кореялик миллий либослари намойишининг очилишига турли вазирилик ва идоралар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, маданият ва санъат намояндalари, дизайнер ҳамда рассомлар, ўқувчи-ёшлар таклиф этилди.

МАДАНИЯТ



Альо АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари, "Ўзбекнаво" эстрада бirlашмаси бош директори Фарход Жўраев, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулдда ва мухтор элчиси Квон Ён У ҳамда бошқалар Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлиги халқларимиз ўртасидаги қадимий дўстликдан кубват олишни таъкидлади. Афросиёб деворидан акс этган Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея — Чосон элчисини қабул қилиш маросими ҳақидаги тасвир мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар узок тарихга бориб тақалишдан далолат беради. Истиклол йилларида олий даражадаги мулоқотлар ва халқларимизнинг муштарак интилишлари самарасида бу муносабатлар янги босқичга кўтарилди.

Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2015 йил май ойида Жанубий Кореяга, Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хенинг 2014 йил июнь ойида мамлакатимизга давлат ташрифлари ўзаро ҳамкорликни янада юксалтиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Юртимизда ўзаро ҳамкорликда автомобилсозлик, кимё санoати, тўқимачилик, тиббиёт, илгор инновациялар, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа соҳаларда истиқболли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

тобора ривожланиб бормоқда. Жанубий Кореяда Ўзбекистон маданияти кунлари, юртимизда Жанубий Корея санъатига бағишланган фестивал ва байрамлар ўтказилиши анъана тусига кирган. Корея рассомлари мамлакатимизда ўтказган бадиий ва фотоўргазмаларнинг доимий қатнашчиси. Жанубий Корея санъаткорлари Самарқанд шаҳрида бўладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивалида мунтазам иштирок этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 3 ОКТЯБРДАН 7 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик, Молия вазирилик, Марказий банки бошқаруви-нинг 2016 йил 16 сентябр-даги 66, 70, 340-В-сон «Йодланган тузни реализация қилишдан тушган маблағларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик ҳузуридаги «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш Марказий бюросининг махсус ҳисоб рақамида жамлаш тартиби бўғидаги нозомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

(2017 йил 10 январдан кучга киради).

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазириликнинг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат вазириликнинг 2016 йил 15 августдаги 59/ҚҚ, 27-Қ/Қ-сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталари учун

рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1558-5 (2016 йил 10 октябрдан кучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Ўздавстандарт» ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси томонидан тасдиқланган Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган товарлар (маҳсулотлар)ни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 901, 2000 йил 26 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 901-1, 2003 йил 15 январь), (рўйхат рақами 901-2, 2004 йил 16 август), (рўйхат рақами 901-3, 2008 йил 7 январь), (рўйхат рақами 901-4, 2011 йил 28 июль).

Хабар

намунавий йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2016 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2830 (2016 йил 10 октябрдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазириликнинг 2016 йил 27 сентябрдаги 146-мқ-сон «Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги нозомга ўзгартиришлар ва қўшимча кириштириш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 6 октябрда

ЭЪЛОНЛАР

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Ўзбекистон давлат консерваторияси куйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади: Профессор: Эстрада хонандалиги — 1, Мусика тарихи ва танқиди — 1, Хор дирижёрлиги — 1, Бастакорлик ва чолғулаштириш — 1, Махсус фортепиано — 1, Оркестр чолғулари — 1, Халқ чолғуларига ижрочилиги — 1, Анъанавий чолғу ижрочилиги — 1.

«AUTO MEGA TRADE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Халқ сўзи Народное слово Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 045 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.